Ушбу сонда:
2 БЕШ ЙИЛДА УНДИРИЛГАН НАФАҚА
3 TV - ДАСТУРИ
4 Касаба уюшма спорти СУРХОННИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 декабр, сешанба №176 (1008)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 19 КУН ҚОЛДИ

Ватан, то танда жоним бор,
сенингдурман, сенингдурман,
Таним хок ўлса ҳам сен ёр,
сенингдурман, сенингдурман,
Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир,
юрак кенгдир, чу сен борсан,
Сенингсиз икки дунё тор,
сенингдурман, сенингдурман.

Эркин ВОҲИДОВ.

Меҳнаткашларни соғломлаштиришга йўналтирилган ижтимоий суғурта бадалларини тасарруф этиш касаба уюшмалари ихтиёрига берилганлиги улар зиммасидаги масъулятни янада оширди.

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ нимадан бошланади?

Ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида вилоят касаба уюшмаларида муайян тадбирлар амалга ошириляпти. Лекин биз эришилган натижаларни қайд этмоқчи эмасмиз, балки кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар ҳақида фикр юритмоқчимиз. Аввало рақамларга мурожаат этсак. Жорий йилнинг тўққиз ойида ижтимоий суғурта бюджетининг даромад қисми 89,9 фоизга, бадаллар тушуми 90,9 фоизга бажарилди. Бошқа тушумлар бўйича кўрсаткичлар ҳам кўзланган даражага етмади.

Маълумки, ижтимоий суғурта маблағлари биринчи навбатда меҳнаткашлар саломатлигини яхшилаш мақсадларига йўналтирилади. Шу ҳисобдан ўтган даврда сиҳатгоҳларда 1989 киши, санаторий-профилакторийларда 2354 киши, ёзги оромгоҳларда 25306 нафар ўғил-қиз дам олдирилди. Бундан ташқари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари доимий фаолият кўрсатишига, турли мусобақаларни ўтказишда оммавийликка эришилди. Афсуски, сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш ҳар минг кишига атиги 3-4 та, профилакторийларга эса 11 таданга тўғри келмоқда, холос. Бу шубҳасиз, барчани ўйга толдиради.

Фикримизча, энг аввало, профилакторийлардан фойдаланиш тўхтатишга тўғри келмоқда. Оқибатда катта имкониятлар бой берилмоқда. Фаолият кўрсатаётганларининг айримларида эса ишловчиларга маош вақтида берилмаётир. Озиқ-овқат, дори-дармон етказиб беришда узилишлар бўлаётир. Натижада сиҳатгоҳларда кўплаб ўринлар бўш қолмоқда.

Яна бир масала. Баъзи санаторийларга йўлланма нархларининг қимматлиги дам олишга талабгорлар сони камайишига олиб келяпти. Айниқса, кам таъминланган ишчилар, талабалар саломатлигини тиклаш имконияти чекланаяпти.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, таклиф ва истакларимизни билдирмоқчимиз. Бизнингча, сиҳат масканларини тармоқ касаба уюшма қўмиталари тасарруфидан чиқариб, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ихтиёрига ўтказиш, яъни тармоқлараро санаторий-профилакторийларга айлантириш мақсадга мувофиқдир. Маблағлар ҳам, таъминот ҳам марказлаштирилса, айни муддао бўлур эди. Чунки, ҳозир бир тармоқ тасарруфидаги сиҳатгоҳдан бошқа тармоқ ходимлари фойдаланмаяпти. Ҳолбуки, вилоятдаги мавжуд санаторий-профилакторийларда саломатликни тиклаш учун унча-мунча сиҳатгоҳлардан қолишмайдиган шароит бор.

Болалар ёзги оромгоҳлари фаолияти, шароити, таъминоти ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин. Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада? Ҳамма гап корхона, ташкилот, хўжалик ҳамда муассасалар ижтимоий суғурта бадалларини ўз вақтида тўламаётганига бориб тақалади. Ваҳоланки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш ижтимоий суғурта бюджетини шакллантиришдан бошланади.

Ш.ЭЛМУРОДОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг ижтимоий суғурта бўлими мудири.

Тошкент:

МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

«Бекободнон» корхонаси аҳолига етказиб берилаётган маҳсулот турларини ўттизтага етказди. Айни кунларда бу ерда новвойлар бозор талаби, харидор эҳтиёжига қараб буханка, кулча нон, булочканинг кўплаб турлари билан биргаликда қандолатчилик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқара бошлади. Маҳсулот корхона қошида ташкил этилган «Иссиқ нон» савдо тармоғи ҳамда шаҳардаги 56 та озиқ-овқат дўкони орқали аҳолига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш, печ ва тандирлар қувватидан унумли фойдаланиш туфайли бекободликлар дастурхонига кунига ўртача 16 тонна нон ва нон маҳсулотлари тортиқ қилинмоқда.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабр куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 декабр куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 12 декабр куни соат 16.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади.

13 декабр куни Олий Мажлисда соат 12.00 да: «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг, Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг ҳамда соат 14.30 да - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

Ибрат

ИШ ВАҚТИ — 6 СОАТ

Корхонамиз маъмурияти билан бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Хусусан, ойлик маошлар ўз вақтида бериб борилаётир. 59 нафар ишчи, ходимларимиз қонун доирасида ижтимоий ҳимояга олинган. Уларнинг унумли ишлашлари учун дам олиш хоналари ташкил этганмиз. Меҳнат таътилига чиқишганда бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади. Ҳар чоракда илғорлар 10 минг сўмдан мукофот пули олмоқдалар. Корхонамизда ишлаб кетган ходимларни ҳам байрамларида қиймат-баҳо совға-саломлар билан сийлаймиз. Қандай бўлмасин, уларнинг ҳурматларини жойига қўйишга ҳаракат қиламиз. Ишловчиларнинг тўй ва маъракаларида ун, гуруч, ўсимлик ёғидан ёрдам қилаяпмиз. Ёш келин-куёвларга 15 кунлик қўшимча пуллик таътил берилаяпти. Айниқса, хотин-қиз ишчилар алоҳида эътиборимизда. Уларнинг иш вақти 2 соатга қисқартирилган.

Бошланғич ташкилотимиз маъмурият ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда 8 турдаги маҳсулотларнинг дўкон пештахталарида мунтазам бўлиши ва белгиланган нархларда сотилишини қатъий назоратга олган.

Соғлом авлод йили муносабати билан болаларимиз «Хонжиза», «Чашма» оромгоҳларида, 3 нафар хотин-қиз эса ибн Сино номли сиҳатгоҳда бепул дам олдирилди.

Корхона соф фойдаси ҳисобидан туман Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бўлимларига 200 минг сўм, кўзи ожизлар, ногиронлар жамиятларига 25 минг сўм, Денов шаҳри марказидаги «Сайид оталиқ» мадрасасини таъмирлаш учун 100 минг сўм ёрдам кўрсатилди.

Фахриддин НУРАЛИЕВ,
Денов туман матлубот ҳиссадорлик улгуржи-чакана савдо бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) Бош директори Мишел Дане Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов билан учрашди.

БОЖХОНАЧИЛАР ТАШРИФИ

Учрашувда таъкидланганидек, миллий божхона тизимини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда Ўзбекистон ЖБТ билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ташкилот Бош директорининг мамлакатимизга ташрифи ана шу ришталарни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Музокараларнинг мавзуси ҳам ана шу ҳақда бўлди.

ТОМДИДА КОЛЛЕЖ

Томди Навоий вилоятининг қорақўлчиликка ихтисослашган йирик туманларидан. Айни пайтда қорақўлчилик хўжаликларида 150 минг бошга яқин қўйэчки, 4 мингдан зиёд туя ва йилқи боқилмоқда.

Яқинда туман марказида 600 ўқувчига мўлжалланган коллеж қурилиши якунланди. Томдилик ёшлар бу билим масканида зоотехник, веттехник, чорва ҳисобчиси, механизатор, фермерлик каби касб эгалари бўлишади. Коллежни Зарафшон қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этди.

(ЎзА).

Қорақалпоғистон:

САХОВАТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 сентябрдаги Қорақалпоғистоннинг шимолида жойлашган туманларнинг қурғоқчиликдан зарар кўрган, кам таъминланган оилаларига ижтимоий кўмак ҳамда хўжаликлар, фермерлар, халқ таълими ташкилотларига амалий ёрдам бериш тўғрисидаги қарорига биноан 250 миллион сўм ажратилиб, эгаларига тарқатилган эди. Бу эзгу иш ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Жумладан, муборак Рамазон ойининг қутлуғ кунларида Чимбой туманидаги кам таъминланган оилаларнинг салкам 9 минг нафар ўқувчи ўғил-қизлари бепул қишки кийим-кечаклар билан таъмин этилди.

Шунингдек, Бўзатов туманидаги 17-мактабнинг 250 нафар, Шоҳомон, Оспонтой овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги ҳамда туман марказидаги мактабларнинг 1000 нафардан кўпроқ ўқувчиларига ҳам кийим-кечаклар туҳфа этилди.

Шуниси эътиборлиқи, «Элтекс» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул чеварлари томонидан тикилган бежирим кийим-кечакларнинг барчаси ҳомийлар ҳисобидан ўғил-қизларга бепул улашилмоқда.

Бундай саховатпешалик тадбирлари Тахтакўпир, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Нукус ва Конликўл туманларида ҳам ўтказилди.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Фарғона шаҳридаги Саховат уйида 200 нафар ёлғиз нуроний ва ногиронлар яшаб келишмоқда. 75 кишидан иборат ходимлар уларга намунали хизмат кўрсатишаяпти.

Суратларда: Саховат уйининг умумий кўриниши; жонкуяр ходима Азиза Усмоналиева.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

РАҲБАРНИНГ АЙБИ БИЛАН...

Ҳар қандай давлатнинг энг катта бойлиги — бу унинг фуқароларидир. Бу — Асосий Қомусимиз ва унга асосланган барча қонунларимизда ҳам ўз аксини топган. Биламизки, фуқароларимиз эмин-эркин меҳнат қилишларини кафолатловчи қонунларимиз мустаҳкам таянчдир. Бироқ, орамизда шундай шахслар борки улар қонунларни нотўғри талқин қилишлари оқибатида меҳнаткаш манфаатига ҳам моддий, ҳам маънавий зиён етказилади.

Зеро, меҳнат қонунларининг бузилиши замирида эскича услуб, шахсиятпарастлик каби иллатлар ётади. Бу фикрни қуйидаги мисол билан далиллаш мумкин. Шу йилнинг 4 апрелида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасига фуқаро Х.Абдураззоқов ноҳақ ишдан бўшатилганлиги тўғрисида шикоят аризаси билан мурожаат қилгач, ушбу ишга доир тегишли ҳужжатлар меҳнат бош ҳуқуқ назоратчиси М.Абдуллаев томонидан чуқур ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, Ханафий Абдураззоқов 1999 йилнинг январидан буён Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасида номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси асосида етакчи муҳандис вазифасида ишлаб келган. Мазкур йилнинг октябр ойида у даволаниш жараёнида бирлашма билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини икки ойга ўзгартиришни сўраб иш берувчи номига ариза билан мурожаат этган. Пенсиясини тўлиқ олиш мақсадида шундай йўл тутиш мумкинлиги қонунчилигимизда белгилаб қўйилган. Меҳнат кодексининг 96-моддаси 7-қисмига биноан меҳнат шартларини шунингдек, иш жойини ўзгартириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқаришда ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгартиришлар асос бўлади. Бироқ, бирлашма раҳбари Т.Раҳимов қонуннинг бу талабларига зид равишда Х.Абдураззоқов билан ўтган йилнинг 11-октябрида номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиб, қайтадан муддатли меҳнат шартномаси тузади. 6 декабрда эса 103-буйруқ билан бу шартнома ҳам бекор қилинади.

Муолажалар тугагач, яъни икки ойлик муддат ўтгандан сўнг Абдураззоқов 7 декабрда ўз вазифасига қайта қабул қилиш ҳақида ариза бериб, ишини давом эттиради.

Т.Раҳимов эса ўтган йилнинг 20 декабрида у билан 2000 йилнинг 1 апрелига қадар муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳақида буйруқ чиқаради. Ва шу асосда уни 31-мартда шартнома муддати тугаши муносабати билан ишдан бўшатади.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Меҳнат кодексининг 76-моддасига биноан муддатли меҳнат шартномаси бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномасини тузиш мумкин бўлмаган ҳоллардагина тузилади. Демак, Абдураззоқов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 105-моддасига биноан бекор қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, у билан тузилган муддатли меҳнат шартномасида меҳнат тўғрисидаги қонуннинг 73-моддаси талабларига ҳам риоя қилинмаган. Аслида шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига биноан тузилиши лозим эди. Бундан ташқари, ҳужжатнинг амал қилиш муддати шартномада эмас, балки буйруқда кўрсатилган.

Юқоридагилар чуқур таҳлил қилингандан сўнг, Марказий қўмита меҳнат бош ҳуқуқ назоратчиси томонидан Х.Абдураззоқовнинг ишдан бўшатилишида қатор қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги сабабли уни ўз вазифасига қайта тиклаш масаласи кўндаланг қўйилади. Шунингдек, бирлашма раҳбари Тоҳир Раҳимовга энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида жарима солинади.

Таъкидлаш жоизки, бирлашма раҳбари Х.Абдураззоқовни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғи Меҳнат кодексига зид эканлиги мутахассислар томонидан асослаб берилишига қарамай, у буйруқни бекор қилишни пайсалга солиб, судга мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юбормоқчи бўлди. Аммо, Марказий қўмита Х.Абдураззоқовнинг меҳнат ҳуқуқларини қатъий туриб ҳимоя қилиб, уни ўз ишига қайта тиклашни сўраб, шу йилнинг 28 апрелида судга мурожаат қилди.

Қарангки, бирлашма раҳбарининг айби билан жорий йилнинг 17 майида ўтказилиши лозим бўлган суд мажлиси бир ярим ой давомида олти марта қолдирилди.

Аммо ҳақ жойида қарор топиб, раҳбар фаолиятига муносиб баҳо берилди. У юқори ташкилот томонидан вазифасидан четлаштирилди.

Ва, ниҳоят, 29 июнда бирлашманинг янги раҳбари Х.Абдураззоқов ғайриқонуний ишдан бўшатилганлигини инобатга олиб, у ўз ишига қайта тикланганлиги, ишсиз юрган даври учун ҳақ тўланганлиги хусусида судга маълумот берди...

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ишонч» мухбири.

Энг катта савоб

Бугунги кунда пойтахтимиз бўйича пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг умумий сони 326 минг 174 нафар кишини ташкил этади.

Бозор шароитида пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш борасида давлатимиз томонидан катта ғамхўрликлар кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, пенсиялар ва ижтимоий ёрдам бошқа турлари миқдорининг босқичма-босқич ошириб борилиши, ҳар бир пенсионер ва нафақа олувчининг пулларини ёлғизларга манзилли ёрдамни кучайтириш каби масалалар қамраб олинган.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги Қарорда кексалар ва ногиронлар мурувват уйларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ҳам кўзда тутилган. Унга биноан бошқарма томонидан тасарруфимиздаги 340 ўринли ақлан ва жисмонан заиф эркаклар, жами 720 ўринга мўлжалланган 2 та болалар мурувват уйларининг шароитлари ҳар томонлама яхшиланмоқда. Ҳозирда эркаклар мурувват уйида олиб борилаётган тубдан таъмирлаш ишларига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 23 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ақлан ва жисмонан заиф болалар мурувват уйларида эса бюджет маблағларидан ташқари ҳомийлар мададидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан биргаликда шаҳар бўйича 1561 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар аниқланиб, уларнинг рўйхати ҳокимликлар томонидан тасдиқланган. Рўйхатдагиларнинг барчаси диспансер кўригидан бепул ўтказилиб, тиббий хулосаларга кўра уларни соғломлаштириш ҳамда тиббий анжомлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. 114 нафар ётиқлик беморларга «Қизил ярим ой» жамияти билан имзоланган шартномага мувофиқ 17 нафар ҳамшира биркитилган. Шунингдек, бандлик хизмати томонидан ҳам қариялар ҳолидан хабар олиш, кундалик юмушларида кўмак бериш мақсадида махсус ходимлар ишга жалб этилган.

Жорий йилнинг 1 декабригача махсус ҳисоб рақамига ҳомийларнинг 18 миллион сўмдан ортиқ маблағлари келиб тушди. Уй-жойларини таъмирлашга муҳтож ёлғизлар сони 470 нафарни ташкил этгани ҳолда, бугунгача ушбу маблағлар ҳисобидан улардан 159 нафарининг талаби қондирилди.

Стационар даволанишга муҳтож 652 нафар ёлғиз қариялар ва ногиронларнинг барчаси тегишли тиббий ёрдамни олдилар. Шунингдек, ногиронлар аравачаси ва протез-ортопедия воситалари сўраб мурожаат этганларнинг талаби ҳам юз фоиз қондирилди. Уларни сиҳатгоҳларга йўлланмалар, эшитиш мосламалари, қўлтиқтаёқ, хасса, кўзойнак, тиш протези, дори-дармонлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Эҳтиёжмандларни биргина дори-дармонлар билан таъминлаш учун бугунгача 1,5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Булардан ташқари давлат томонидан ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронларнинг кўнгилларини кўтариш ва маънавий-маданий озиқ олишлари учун ҳокимликлар ва ҳомий ташкилотлар ёрдамида дам олиш, мулоқотда бўлиш жамоат марказлари ташкил этилган. Кексаларимиз ушбу марказларда ўз вақтларини чоғ ўтказмоқдалар. Нуронийлар барча савобли ишларнинг ташаббускори - Президентимиз ҳақига дуо қилишмоқда.

Саида МУСАЖОНОВА,
Тошкент шаҳар Ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

КЕКСАЛАР ДУОСИ — ЭЛ МУДДАОСИ

белгиланган муддатда, ҳеч қандай узилишларсиз олаётганликларини таъкидламоқ жоиз. Жорий йилнинг биргина август ойида пенсия ва нафақаларни тўлаш сарф - харажатлари учун 2 миллиард 290 миллион 429 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган бўлса, ноябр ойида бу миқдор 88 миллион сўмга кўпайди.

Шу ўринда ҳукуматимизнинг қарияларимизга кўрсатаётган яна бир ғамхўрлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Бу Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қароридир. Ушбу Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида бошқармамиз бир қатор савобли ишларни амалга ошириб келмоқда. Унга мувофиқ барча туман ижтимоий таъминот бўлимлари ўз ҳудудий дастурларини ишлаб чиқдилар. Уларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни соғломлаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш,

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла Премқулов жавоб беради

САВОЛ: Ўриндошлик асосида фақат бир корхонада — асосий иш жойида ёки бошқа корхонада ишлашга рухсат берилганлиги сабабли ходимга иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилар экан. Умуман, асосий иш жойидан ва ўриндошлик бўйича таътиллар биргаликда қўшиб бериладими? Ана шу ҳақда тушунтириш беришингизни сўрайман.

Хурсан ҲАМРОЕВ.
Бойсун тумани автомобил йўллари бошқармаси.

ЖАВОБ: Айтиш керакки, Сиз сўз юритган ҳолатларда меҳнат таътилининг давомийлигига ўриндошлик бўйича қандай миқдорда иш ҳақи олиб ишлашнинг таъсири йўқ. Яъни, иш ҳақини 30 фоизими, 50 фоизими, хуллас, қанча олаётганингиздан қатъий назар меҳнат таътилининг давомийлиги шу лавозим (иш ўрни) учун белгиланган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас. Бу дегани, шу лавозим учун таътилнинг давомийлиги, айтайлик, 18 кун белгилаб қўйилган бўлса (бундай белгилаб қўйишлар жамоа шартномаларида бўлади) Сиз 0,5 ставкада ишлайсизми ёки 0,25 ставкадами (ва ҳоказо) қатъий назар, 18 кундан кам бўлмаган миқдорда таътил олишингиз лозим. Шу билан бир қаторда ушбу кунларга ҳақ ҳам тўланиши керак.

Агар асосий иш жойингиздаги таътилнинг давомийлиги 24 (ёки ундан кўпроқ) кун, шунингдек, Сиз бажараётган ўриндошлик ишингиздан берилиши лозим бўлган меҳнат таътилини асосий иш жойингиздаги таътил билан бир вақтда олсангиз, у ҳолда иккала жойдан ҳам 24 (ёки ундан кўпроқ) кун миқдорида таътил берилади. Бу ҳолда таътилнинг (ўриндошликдаги) 18 кунига ҳақ тўланади, қолган 6 кунига (ёки ундан кўпроғига) тўланмайди. Агар ўриндошликдаги таътилни асосий иш жойингиздан бошқа вақтда олсангиз, у ҳолда 18 кун таътил берилади.

Таътиллар бир-бирига қўшилмайди, аксинча бир-бирининг ичида бўлади.

САВОЛ: Мактабда касаба уюшма қўмитаси раиси вазифасида ишлайман. Ўқитувчилардан тушган бадалларнинг 8 фоизи туман халқ таълими касаба уюшма қўмитасида, 42 фоизи эса вилоят халқ таълими бошқармасида ушлаб қолинади, 50 фоизи бизга қолади. Аслида бадалларнинг неча фоизи юқори ташкилотга ўтиши керак? Бошланғич касаба уюшмасини мустақил қилиш мумкинми?

А.АСҚАРОВ,
Яйпан шаҳри.

ЖАВОБ: Касаба уюшмалари тизимида аъзолик бадалларининг тақсимланиши уларнинг Низомида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ ушбу Низомда назарда тутилганидан ўзга ҳолатлар бўлмаган тақдирда бошланғич ташкилотлар аъзолик бадалларининг 50 фоизигача миқдорини ўзларида қолдиришлари мумкин. Амалдаги қонунчиликка биноан бошланғич касаба уюшмаси «юридик шахс» ҳисобланади (демак, мустақилдир). Бундан ташқари, Низом бўйича улар касаба уюшмаларининг асоси ҳисобланадилар.

САВОЛ: Мутахассислар етишмаслиги сабабли айрим ўқитувчилар иккита мактабда дарс беришади. Улар ўтаётган дарси учун ҳақ олишади, лекин меҳнат таътили даврида уларга асосий иш жойидан тўлиқ, иккинчи мактабдан эса, таътил пули ўқитаётган дарсининг ярим ставкасигагина тўланаяпти, шу тўғрими?

Э.НИЁЗОВ,
Ғузор тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига биноан меҳнат таътили даври учун шунингдек, иккинчи иш жойингиздаги маошингиз ҳам ўтаётган дарс соатларингизга мутаносиб миқдорда тўланиши керак.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ



Алижон Нурмуҳаммедов Самарқанд туманидаги машина трактор парки давлат ҳиссадорлик жамиятида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Моҳир оператор кўп йиллик фаолияти давомида лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Ҳозирги кунда у «Магнум» тракторларини таъмирлашда фаол иштирок этмоқда.

Мазкур корхонада «Кейс» комбайнлари вилоятда биринчилардан бўлиб таъмирдан чиқарилди. Эътиборлиси шуки, ўз касбининг усталари Тошкент, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган механизмларга 30 турдан зиёд эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳил жамоа қарийб 200 миллион сўмлик иш бажарди. Моддий манфаатдорлик таъминланганлиги, ишловчилар ижтимоий ҳимояси яхши йўлга қўйилганлиги ютуқларнинг бош омили бўлмоқда. Корхонанинг яхшигина иссиқхонаси бор. Ажойиб лимонлар ишчи-хизматчиларга арзон нархда тарқатилмоқда.

Суратда: оператор Алижон Нурмуҳаммедов.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Меҳнат муҳофазаси: масала кўндаланг қўйилади

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БАХТСИЗ ҲОДИСА

Шароф Рашидов туманида бахтсиз ҳодиса юз берди. Хусусий увада чувиш цехида ишлаётган ўн саккиз ёшли Ғ.Шодмонқулов эҳтиётсизлик оқибатида ўнг қўлидан ажралиб қолди. Ачинарлиси, ҳали етарлича ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёш йигитни ишга ёллаганлар сувдан қуруқ чиқди. Аслида Ғ.Шодмонқуловни қонуний асосда ишга жалб этиш, техника хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш мумкин эди. Бироқ ортиқча сарф-харажат-у, ғалвага кимда тоқат бор дейсиз. Кунлик нақд пул тўловига учган йигитча ҳам оқибатини ўйламасдан шу цехга ишга ёлланганди. Мана, бир йилдирки ногирон. Афсус-надоматнинг эса чеки йўқ.

Гулистон тумани Ҳ.Олимжон номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасида яшовчи У.Эгамқулов ҳам тадбиркор бўлишни ният қилганди. Орзуга айб йўқ. Ниятига етди. Маккажўхори донини ажратадиган қўлбола ускуна сотиб олди. Хонадонда байрам эди. Ахир қишлоқда маккажўхори экканлар кўп. Унинг ускунасига эса талаб ниҳоятда катта. Қарабсизки, кимсан фалончи бойваччага айланиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ширин энтикиш билан у янги агрегатни синаб кўрмоқчи бўлди. Ғувиллаб ишлаб турган ускунанинг аллақаеридир қарс-қурс қилди. Қутилмаганда бир бўлак темир учиб келиб ўнг оёғининг тиззасидан пастки қисмини шартта кесиб ўтди. Қувонч ташвишга айланиб, орзулар чил-парчин бўлди. Қўлбола ускуна Эгамқуловлар хонадонига шодлик эмас кулфат келтирди.

Мирзаобод тумани Деҳқонобод ширкатлар уюшмасида яшовчи тўққиз ёшли Гулноза ҳам катталар хатоси жабрини чекаяпти. Хўжаликдаги увада чувиш цехида техника хавфсизлиги чоралари кўрилмаганлиги сабабли Гулнозанинг ўнг қўлини агрегат ямлаб кетди.

Қонунларимизда меҳнат турининг шаклидан қатъий назар, техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш, ишловчиларга хавфсиз иш шароити яратиш аниқ белгилаб қўйилган. Аммо, уларга амал қилишни «унутиб» қўяётганлар йўқ эмас. Демак, ана шундай қалтис қадам қўяётганлар инсон саломатлигига путур етказишаётгани учун қонунларимиз олдида тўла жавобгардирлар.

Бобо НИЗОМОВ,
Сирдарё вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бош меҳнат техника инспектори.

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ РИВОЖЛАНМОҚДА

«Олотматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти ўтган октябр ойида Россиянинг Ярославл шаҳридаги «Ярославльпромсельхозресурс» корхонасига 25 тонна қовун жўнатди. Унинг эвазига эса Ярославлдан металл, қишлоқ хўжалиги техникаси учун эҳтиёт қисмлар олинди.

Ҳиссадорлик жамиятининг экспорт фаолияти бу билан кифояланмайди. Масалан, Россиянинг Нижнекамск шаҳрига 10 минг 200 долларлик жун жўнатилиб, эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари олинди. Владимир шаҳридаги «Инвесстрой» корхонаси билан тузилган шартномага кўра эса, ўтган сентябр ойида Россияга 22 тонна узум жўнатилди. Унинг эвазига металл олиняпти.

- Россия шаҳарларидаги корхона ва тадбиркорлар билан бундай бевосита ҳамкорликни келгусида ҳам давом эттирамиз, -дейди хиссадорлик жамияти раиси Омон Тўхтаев. - Ҳозир Россияда саримсоқ пиёзга талаб катта. Шу боис туманимизда бундай маҳсулот етиштирувчилар билан шартномалар туза бошладик. Маҳсулот етилгач, Россияга жўнатамиз. Янги йилга қадар Омск шаҳрига 30 тонна қуруқ мева юборишга тайёргарлик кўряпмиз.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги азалий савдо-сотиқ алоқалари яна изга тушмоқда. Бунда олотлик савдо ходимларининг ҳам ҳиссаси борлигидан мамнунмиз.

(ЎзА).

Ғурур

ҒУНЧА БИР КУН ГУЛ БЎЛУР

Боғбон учун эккан ҳар бир ниҳоли азиз; унинг гуллаб-яшнашини истайди бир умр. Биз — ўқитувчилар ҳам шундай. Ўқувчиларимиз камолини кўрсак, деймиз. Муҳтарам Юртбошимизнинг пурҳикмат сўзлари ҳамиша қалбимизда акс-садо беради: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»

Шу маънода янги асримизнинг «Оналар ва болалар йили» таърифи ила бошланажаги айни муддао бўлди. Дарҳақиқат, оналар ва болалар иқболи мужассам бўлган юртнинг келажаги порлоқдир. Қолаверса, бу ҳол биз тарбиячи — муаллимларга катта масъулиятлар юклайди, ишга муносабатимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Шукрки, таълим соҳасида бошланган ислоҳотлар самараси ўлароқ ўқиш ва ўқитиш ишларида муайян силжишлар кўзга ташланмоқда. Билимдон одам барча сир-синоатлар қулфига калит топа олишини ҳамма англаб етмоқда, муносабат ҳам шунга қараб ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Албатта ҳар ким аввало ўзи яхши билган кишисига қараб тўн бичади, яшаб турган жойига мос экин экади. Зеро, мен ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимни истиқомат қилаётганим Бекобод тумани мисолида билдирмоқчиман.

Туманимизда жами 62 та мактаб бўлиб, унда ўттиз бир ярим мингга яқин ўқувчи сабоқ олади. Икки ярим мингдан зиёд ўқитувчи улар бошида парвона. Бизни энг кувонтираётган нарса, бу йил сайин гоҳ у, гоҳ бу ҳудудда янги-янги таълим масканлари очилиб, эскилари таъмирланиб, шарт-шароитлар яхшиланиб бораётганлигидир. Ҳозир 21 та мактабимиз замонавий тусда, 33 та мактабимизда эса барча талабларга жавоб бера оладиган спорт зали мавжуд. 44 та мактаб ва 2 та боғчада болалар компьютерда ишлаш кўникмаларини эгалламоқдалар.

Ташқаридан келган киши учун бу гаплар ғалати туюлиши ҳатто ҳайрат уйғотиши мумкин. Ахир, биз яхши биламиз, нисбатан тўқ, тараққиёт поғоналарини босиб ўтган кўплаб мамлакатларда ҳам таълимга биздагичалик эътибор йўқ. Умуман мактаб кўрмаганлар минг-минглаб, гоҳо миллионларни ташкил қилади.

Кези келганда ушбу ўқув йили арафасида вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 11 минг ўқувчига 5,5 миллион сўмлик дарслик бепул тарқатилганлигини, бундан ташқари кам таъминланган бир ярим минг ўқувчига мунтазам равишда давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини таъкидлашни истардим.

Биз учун бу ҳол мутлақо табиийдир. Ва биз барча ютуқларимизни Истиқлолимиз шарофатидан ва Конституциямиз берган кафолатнинг ҳаётдаги инъикоси, деб тушунамиз. Чунки, ҳуқуқ ва бурчлар уйғунлашган жамиятдагина кўзланган улкан мақсадларга эришиш мумкин.

Мунисхон КАРИМОВА,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.

Ўз ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

БЕШ ЙИЛДА УНДИРИЛГАН НАФАҚА

Марҳамат туман автойўл бошқармасида узоқ йиллар турли вазифаларда ишлаб, нафас қисиш дардига чалинган Жўрабой Икромов билан Фазлиддин Абдуваҳобовлар 1995 йил бошларида вилоят клиник шифохонасида даволандилар. Даволовчи врач уларга Тошкент касб касалликларини аниқлаш илмий текшириш институтига мурожаат этишни маслаҳат берди. Институтдагилар уларни кўрикдан ўтказиб, иккисининг ҳам касб касаллигига дучор бўлгани ва ногирон бўлиб қолгани ҳақида ўз хулосаларини баён этишди.

Шундан кейин, улар институт хулосаси билан меҳнат эксперт комиссиясига учрашдилар. ВТЭК ҳам ўз навбатида уларни кўрикдан ўтказди ва қўлларига 2-гуруҳ ногиронлиги ҳужжатини берди.

Олий Мажлиснинг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралда эълон қилинган 48-сонли қарорига мувофиқ икки ногирон ўз собиқ иш жойлари — автойўл бошқармасидан бир марта бериладиган йиллик нафақа пули ва ҳар ойда тўланадиган нафақа ола бошлашлари лозим эди. Лекин давлатимизнинг бу меҳрибонлигидан ногиронлар ҳам, бошқарманинг ҳисобчиси, касабақўм раиси, ҳатто корхона бошлиғи ҳам бехабар эканлар. Шунинг учун мазкур корхонада 22 йил меҳнат қилган Ф.Абдуваҳобов ҳам, 11 йил ишлаган Ж.Икромов ҳам туман ижтимоий таъминот бўлими белгилаган нафақа пулларини олиб турганларига шукр қилиб юравердилар.

Орадан 5 йил ўтди. Қоида бўйича ногиронлар вақти-вақти билан Тошкент касб касалликларини аниқлаш илмий текшириш институти кўригидан ўтиб туришлари керак. Жўрабой билан Фазлиддин 2000 йил баҳорида институтга комиссиядан қайта ўтгани борганларида, у ердагилар сўраб қолишди:

— Корхоналаринг сизларга қанча нафақа тўлаяпти? Бир йўла бериладиган тўловниям олганмисизлар?

Шундан кейингина жабрланганлар «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари» борлигини билиб, у билан танишиб чиқдилар.

Улар инсонпарвар давлатимизнинг меҳнат кишисига бундай катта мурувват кўрсатишидан севиниб, бошқарма бош ҳисобчиси А.Халиловга учрашишди. Ҳисобчи шундан кейин ҳам Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 1 февралда тасдиқлаган ўша «Қоидалар»ни тоғиб ўқишга қизиқмади, ўқиганлардан сўраб-суриштирмади ҳам.

— Мен унақа «Қоидалар»дан бехабарман. Хабардор масъул шахслардан ёздириб ё бўлмаса, ўзини бу ерга бошлаб келинглар, қандай ҳисобкитоб қилишни менга ўргатиб кетсин, - деди.

Беморлар ночор-ноилож 70 чақирим йўл босиб, вилоят касаба уюшмалари Кенгашидан мадад сўрашга мажбур бўлдилар. Кенгашнинг меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Сойибжон Солиев туман автойўл бошқармаси ҳисобчиси ва бошлиғини «Қоидалар» билан таништирибгина қолмай, уни изоҳлаб ҳам берди. Шунда ҳам улар тирҳашлик қилиб кўришди:

— Ходимларимиз ногиронликка бундан 5 йил илгари чиқишган. Ўтган йилларигаям нафақами?

— Тўлашингиз шарт! - қатъий турди касаба уюшма вакили.

...Яқинда Андижон вилоят касаба уюшмалари Кенгашига Марҳамат туман автойўл бошқармаси бошлиғи А.Саидаҳмедов номидан хат келди. Унинг мазмуни қуйидагича: «Бошқарма касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган Ф.Абдуваҳобов ва Ж.Икромовларга бериладиган бир марталик нафақа ҳамда ҳар ойда тўланадиган нафақаларни аниқ ҳисоблаб чиқиб, уларни тўлашга қарор қилди. Ф.Абдуваҳобовга бир йўла бериладиган нафақа пули 22.116 сўмни, ҳар ойда тўланадиган нафақа 1474 сўмни, Ж.Икромовга бериладиган бир йўла нафақа 26.556 сўмни, ойлик нафақа 1549 сўмни ташкил қилмоқда»...

Шундай қилиб, касаба уюшма ташкилоти икки жабрдийдани ҳар тарафлама ҳимоя қилиб, улар мушкулини осон қилишга эришди. Бироқ бошқарма раҳбари ва бош ҳисобчисининг шу жамоа собиқ аъзоларига, ишлаб чиқаришда дардманд бўлиб қолган ходимларга нисбатан ўта лоқайдлиги, масъулиятсизлиги, амалдаги қонунлардан бехабарлиги, шу важдан одамларни ораои сарсон қилишларига мутасаддилар қандай баҳо беришаркин?

М.АБДУКАРИМОВ.

TV дастури

12-17 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бор эканда, йўқ экан».
9.05 «Диёрим Ўзбекистоним». Адабий-мусиқий композиция.
9.25, 12.40 ТВ-метео
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
11.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.05 «Маънавият» дастури.
12.45 Эстрада тароналари.
13.10 «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.10 ТВ-анонс.
14.20 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Нимчорак финал. Голландия - Югославия.
16.00 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». Мусиқий дастур.
16.20 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
16.40 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Фламинго».
18.30 ТВ-клип.
18.35 «Солиқ ва назорат».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Фермер».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Таълим-тарбия миллий дастури - амалда».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёруғликнинг заволи йўқ».
21.20 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Концерт.
21.45 «Навоийхонлик».
21.55 Рамазон туҳфаси. «Ишқ сари». Бадиий фильм,
23.15 «Ахборот».
23.50 Бильярд бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри», «Мульттомоша».
9.50, 15.15 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Аср қиёфаси».
10.20 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 37-қисм.
10.45 Болалар учун: «У ким? Бу нима?»
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Жаҳон отин-Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. 5-қисм.
12.30 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
14.00 «Мезон».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 51-қисм.
15.25 Болалар учун фильм. «Бахт гуллари». 2-қисм.
15.55 «Эрта сўнган юлдузлар».
16.15 «Шалаш оиласи». Телесериал. 1-қисм.
17.00 «Олтин мерос».
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
17.30 «Таянч».
17.45 «Уйғониш асри». 2-кўрсатув.
18.10 «Минг бир маслаҳат».
18.30 «Авторейд».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Ватан манзаралари».
19.55 «Давр»-интервью.
20.10 «Мусиқий лаҳзалар».
20.20 «Ёшлар овози».
20.40, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.45 «Жаҳон отин - Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. Якунловчи. 6-қисм.
21.30 «Марду-майдон».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
0.30-0.35 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20-9.40 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Туризм ҳақида».
22.00 «Экспресс» телегазетаси.
22.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.35 «Эҳтиром ила».
22.55 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ. «Ўзгача муҳаббат».
1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Клип-антракт».
*
17.05 «Катта шаҳар чироқлари». Ҳажвчилар телевизион клуби. 1-қисм.
*
18.00 «Бугун оламда».
*
18.10 «Катта шаҳар чироқлари». Ҳажвчилар телевизион клуби. 2-қисм.
*
19.15 «Буч Кессиди ва Санденс Кид». Бадиий фильм.
*
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.30 Клип антракт.
22.40 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.00 Кинематограф. «Камёб». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЧОРШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мангуликка даҳлдор».
9.15, 12.25 ТВ-метео
9.25 «Санъатга бахшида умр». Н. Ҳошимов.
9.50 «Тиббиёт оламида».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Кўшиғим жон кўшиғим».
10.25 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
12.05 «Камолот сари».
12.30 «Севги сурури». Концерт.
12.50 «Алпомиш». Мультфильм.
13.10 «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.10 Болалар учун. «Мен дунёни кўраяпман».
14.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.55 «Автомобилдан сақланинг!» Бадиий фильм.
16.20 «Куйла, танбур, дуторим».
16.40 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
17.25 «Санъат олами». Республика амалий санъати кўргазмаси. 1-кўрсатув.
17.45 «Иқтисод ва биз».
18.10 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
18.25 Олий Мажлис сессияси олдидан «Парламент вақти».
18.40 ТВ-клип.
18.45 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Дунёқараш».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бунёдкорлик одимлари».
21.20 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
21.50 Рамазон туҳфаси «Оталар сўзи-аҚлнинг кўзи».
«Тунги ҳамроҳ».
23.00 «Премьера-2000».
23.20 «Қалб сайёраси».
23.40 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».
9.35 «Минг бир маслаҳат».
9.55, 11.00, 13.30, 17.00 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 38-қисм.
10.40 «Европа билан ҳамкорликда».
11.10 «Даллас». Телесериал.
11.55 «Истеъдод-2000». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
12.15 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари олдидан. «Жаҳонни забт этган санъат». Ҳужжатли фильм.
12.35 «Жаҳон отин-Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. Якунловчи. 6-қисм.
13.15 «Таянч».
13.40 Болалар учун фильм «Бахт гуллари». 3-қисм.
14.10 «Ёшлар овози».
14.30 «Олтин мерос».
14.35 «Шалаш оиласи». Телесериал. 2-қисм.
15.20 «Ватан манзаралари».
15.40 «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
17.05 «Авторейд».
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Мульттомоша».
18.00 «Мени тушун» Телеўйин.
18.25 «Олтин мерос».
18.30 «Далил ва шарҳ». Олий Мажлис сессияси олдидан.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Сийрат».
19.55, 20.30, 22.30 Эълонлар
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Ракурс».
20.35 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари олдидан. «Бир ўлкаки».
20.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Васваса бандалари».
21.45 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.20-1.25 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20-9.40 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 «Экспресс» телегазетаси.
22.05 «Эҳтиром ила».
22.25 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Шаҳарлик келин».
1.10-1.15 Ҳайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «СНН-шоу».
*
18.25 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
19.00 «Инсон ва қонун».
*
19.40 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Бадиий фильм. 1-қисм.
*
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.40 «Польшага назар».
22.00 «Бизнес-ревю».
22.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.50 Клип антракт.
23.00 «Дурдаршан».
23.20 Кинематограф. «Америкача орзу». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет,
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Рақслар гулдастаси». Концерт.
9.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
9.40, 12.35 ТВ-метео
9.45 Болалар учун. «Гулғунчалар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 «Тўғри сўзнинг тўкмоғи». Бадиий фильм.
11.35 «Нурли келажак».
12.05, 16.15 ТВ-клип
12.15 «Ёшликми ёки бебошлик?»
12.40 «Коинотдан келганлар». Мультфильм.
13.20 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
13.50, 14.45 ТВ-анонс
14.10 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
14.30 «Тафаккур ва тақдир».
14.55 «Кўпик». Бадиий фильм.
16.25 «Жавоҳирлар хазинаси».
16.40 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Ғани Аъзамов». Ҳужжатли видеофильм премьераси.
17.35 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.50 «Шеър ва шуур».
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.35 «Банк ва мижоз».
18.50 «Мусиқа бекати».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида.
22.05 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
22.30 Рамазон туҳфаси. «Оталар сўзи-аҚлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Мульттомоша».
9.50, 13.30, 15.40 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Сийрат».
10.20 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 39-қисм.
10.45 «Бегойим».
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Садо-99» саҳифаларидан.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол,
13.40 Болалар экрани «Мафусаил». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.25 «Stil-NO».
14.50 «Сенинг вақтинг».
15.10 «Спорт-қитъаси».
15.50 «Мени тушун» Телеўйин.
16.15 «Шалаш оиласи». Телесериал. 3-қисм.
17.00 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари олдидан. «Бир ўлка-ки...»
17.20 «Олтин мерос».
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт», «Мульттомоша».
18.05 «Дастхат».
18.25 «Табобат оламида».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Икки эшик ораси».
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.55 «Давр»-интервью. Олий Мажлис сессияда.
20.10 «Ёшлар овози».
20.30, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.35 «Сангам». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.25 «Мезон».
21.45 «Ёшлик наволари».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.10–1.15 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20-9.40 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Суғурта – Сизнинг манфаатингизда».
21.50 «Экспресс» телегазетаси.
22.05 «Эҳтиром ила».
22.25 «Саҳоват».
22.35 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Зорро». 1-қисм.
00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
18.00 «Кун мавзуси».
*
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
18.45 «Бугун оламда».
*
18.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Жараён» дастурида.
*
19.40 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Бадиий фильм. 2-қисм.
*
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.40 Клип антракт.
22.50 «Кино сайёраси».
23.10 Кинематограф. «Мэрия». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЖУМА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
9.00 Ўзбекистон дурдоналари: «Хива».
9.10, 12.25 ТВ-метео
9.15 «Меҳр қолуғ».
9.30 Мумтоз наволар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Инсон ва замин».
10.20 Болалар учун. «Кўғирчоқлар жонланганда».
10.50 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
12.05 «Сомон йўли».
12.30 «Спорт, Спорт, Спорт». Телешарҳ.
12.50 «Кўшиққа кўчган сатрлар». П. Мўмин.
13.20 Телевизион новеллалар театри.
14.10 «Талабалик йилларим».
14.30 «Олов-тилсиз ёв».
14.45 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм.
16.10 «Бинокор».
16.25 «Қалб тароналари». Концерт.
16.40". Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Садоқат».
17.25 ТВ-анонс.
17.35 «Санъат олами». Республика амалий санъати кўргазмаси. 2-кўрсатув.
18.10 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
18.25 «Химмат».
18.40 «Ҳамкорлик ришталари».
18.55 «Бир жуфт қушиқ».
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт оламида».
20.30 «Ахборот».
21.05 II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида.
21.40 Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларининг очилиши ва Қорақалпоғистон санъат усталарининг концерти.
23.00 «Ахборот».
23.35 Рамазон туҳфаси. «Узун кеча». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт», «Мульттомоша».
9.50, 10.40, 14.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 40-қисм.
10.50 «Даллас». Телесериал.
11.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.05 «Сангам». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.50 «Икки эшик ораси».
14.05 Болалар экрани. «Мафусаил». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 52-қисм.
15.55 «Олтин мерос».
16.00 «Шалаш оиласи». Телесериал. 4-қисм.
16.45 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 1-қисм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари.
17.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
17.50 «Автосалтанат».
18.05 «Олтин мерос».
18.10 «Ёшлар ва маънавият».
18.25 «Манзур».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари. «Қорақалпоқ оҳанглари».
19.45 «Аср қиёфаси».
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар
20.10 «Сангам». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.00 «Мусиқий лаҳзалар».
21.15 «Баҳс».
21.35 «Аскар мактублари».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
23.40 «Давр». Ахборот дастури.
23.55-0.05 «Мунаввар тонг истаб».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20-9.40 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Суҳбатдош».
21.50 «Эҳтиром ила».
22.10 «Экспресс» телегазетаси.
22.25 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Зорро». 2-қисм.
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
17.00 «Бобил минораси». Телесериал.
17.50 «Бугун оламда».
18.00 «Кичкинанинг катта саргузаштлари». Бадиий фильм.
18.35 Клип антракт.
*
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.40 «Клип-антракт».
22.50 «Х-Спорт».
23.05 Кинематограф. «Ребекка». Бадиий фильм.
1.15 «Ахборот» (рус тилида)
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Тележурнал.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.45 «Зийнат».
10.00, 12.15 ТВ-метео
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Умид» ахбороти.
10.20 «Орзулар қанотида».
*
10.40 «Шоирлар - болаларга».
11.00 «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
11.35 «Сехрланган бола». Мультфильм.
12.20 «Халқ суйган достонлар».
12.45 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Нимчорак финал. Мексика - Германия.
14.25 «Дўстлик» видеоканали: 1. Мехрангез. 2.Жетиген.
14.45 «Хуш кайфият». Мусиқий дастур.
15.05 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
16.25, 17.50 ТВ-анонс
16.30 «Ёзувчи ва замон».
16.40 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Куйлардан-қўшиқларга».
17.30 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.00 «Ранглар жилоси».
18.15 «Тарих ва тақдир».
18.35 «Наво таралсин». Концерт.
18.50 «Буни умр дерлар».
19.05 ТВ-клип.
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
21.35 «Оталар чойхонаси». Дам олиш дастури.
22.20 «Навоийхонлик».
22.30 Рамазон туҳфаси. «Узун кеча». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.40 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
00.15 «Аёл таровати». Бадиий фильм 1-қисм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари.
9.20 «Табобат оламида».
9.40, 11.00, 14.40 «Мусиқий лаҳзалар».
9.50 «Жаҳон жуғрофияси»: «Везувий қўланкаси».
10.40 «Ракурс».
11.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.10 Умид Шаҳобов ва «Маржон» гуруҳи куйлайди.
12.30 «Сангам». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.15 «Бир пиёла чой устида».
13.35 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари. Бояуддин Боймирзаев «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.50 «Одил сўз».
15.05 «Кўҳна оҳанглар». Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов.
15.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
16.25 «Ўзбекистон қанотлари».
16.40 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари. «Қайта ҳаёт бағишлаб». Ҳужжатли фильм.
16.50 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 2-қисм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма», «Мульттомоша».
17.55 «Бола тилидан».
18.25 «Мухлис».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Бизнес-академия».
19.50 «Олтин мерос».
19.55 «Ҳайрат».
20.15, 21.05, 22.50 Эълонлар
20.20 «Сангам». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.10 «Кутилмаган меҳмон».
21.30 «Мусиқий лаҳзалар».
21.35 «Футбол плюс»
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.50 «Кинотақдим».
23.10 Шанба экрани: «Ёз ёмғири». Бадиий фильм.
0.40 «Дирижабл».
1.00-1.05 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.50 «Омад» тележурнали.
10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
10.50 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Спорт-тайм».
11.10 «ТВ плюс».
11.30 «Экспресс» телегазетаси.
11.45 «Сайёрамиз бўйлаб». 58-қисм.
12.10 «Дўстлик» видеоканали. «Умид», «Сахий хонадонда».
12.55-13.40 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Митти юлдузлар».
18.15 «Дурдона».
18.30 «Мисли гавҳар».
18.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.05, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ (рус тилида)
21.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
21.50 «Омад» тележурнали.
22.10 «Эҳтиром ила».
22.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ. «Чангалзор қироли». 1-қисм.
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.20 «Инглиз тили Сиз учун».
9.45 «Кино сайёраси».
10.05 «Дурдаршан».
10.25 «7 дан 70 гача».
10.45 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
11.50 Кинематограф. «Энаганинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
12.25-12.55 «Немис тили».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.30 «Саёҳатлар олами».
18.50 «Аралаш». Ҳажвий журнал.
19.05 «Буюк изқуварлар: Коломбо».
21.00 «Время».
21.40 «Нима? Қаерда? Қачон?» 25 йил эфирда.
22.55 «Бизнес-ревю».
23.10 «Мюзик-холл».
23.35 Кинематограф. «Шамолларда қолган ҳисларим». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.10 Ахборот (рус тилида)
1.35 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 17

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Жайҳун тароналари». Концерт.
9.30 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
9.45 «Умид» ахбороти.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
*
11.00 «Яхши ният».
11.35, 12.20 ТВ-метео
11.40 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Бола бошидан».
12.00 «Ҳамшаҳарлар».
12.25 «Цирк! Цирк! Цирк!».
12.45 «Дил номалари». Мусиқий дастур.
13.15 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.
14.20 «Мозийдан бир мўъжиза».
14.35 Кино янгиликлари.
«Спорт» дастури:
14.50 Волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги. Финал.
15.20 «Спорт уик-энд».
15.40 «Ўлмас мерос». Ш. Бурхонов.
16.40 Рамазон ойингиз муборак!
17.05 «Келин-куёв». Телешоу.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Тўртинчи ҳокимият». Таҳлилий кўрсатув.
18.45 «Мусиқа бекати».
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.45 Рамазон туфҳаси «Оҳ» афсонаси». Бадиий фильм.
23.20 «Олам футболи».
23.45 ТВ-анонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
24.00 «Аёл таровати». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.20-1.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма», «Мульттомоша».
9.35 «Футбол плюс».
9.55, 13.20, 14.25 «Мусиқий лаҳзалар».
10.05 «Ёшлар овози».
10.25 Болалар экрани. «Самсон ва Салли». Мультфильм.
11.25 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду-майдон», 2. «Аскар мактублари», 3. «Аскар ҳангомалари».
12.15 «Сангам». Бадиий фильм. 3-қисм.
13.00 «Қишлоқдаги тенгдошим».
13.30 Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунлари. Бояуддин Боймирзаев «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.35 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 6-қисм.
15.05 «Яхшиси дам олинг».
15.30 «Армонли дунё». Бадиий фильм.
17.00 «Тафаккур ёлқинлари».
17.20 «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 3-қисм.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси», «Мульттомоша».
18.25 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр»-news.
19.15 «Бу мунис лаҳзалар».
19.35 «Якшанбада кўришгунча».
19.50 «Кўҳна оҳанглар». Шомаҳмуд Шораҳмедов куйлайди.
20.10, 21.00, 22.40 Эълонлар
20.15 «Сангам». Бадиий фильм. 4-қисм.
21.05 «Мусиқий лаҳзалар».
21.15 «Ҳудуд».
21.45 «Ёшлик қўшиқлари».
22.00 «Давр». Ҳафта ичида.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Ёлғон». Бадиий фильм.
0.25-0.30 «Хайрли тун».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.50 «Омад» тележурнали.
10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
10.50 2000 йил – Соғлом авлод йили. «Спорт оламида».
11.10 «Хотира». Р. Ҳамроев.
11.55 «

Олтин мерос

«АВЕСТО» ВА «ШОҲНОМА»

(Боши ўтган сонларда.)

«Шоҳнома»да бу ҳақиқат янада ёрқин бўёқларда акс этган шоҳ сатрларга тизилган.

Қай жондор териси келур дидга мос,
Шилдириб ўргатди қилмоқни либос.
Савсору олмахон, тулки териси,
Либосга ярайди шундан бериси.
Шу зайл жондорлар пўсти шилиниб,
Ишга яраб қолди кийим қилиниб.

«Авесто»да газмол, мато асосан жун, ипак, канопдан тўқилганлиги ҳақида маълумотлар кўп. Кийим-кечак, кўрпа-тўшак, ёстиқлар, умуман, уй жиҳозлари тўғрисида ҳам кенг тушунча берилган. «Шоҳнома»да ҳам бу ҳақда гўзал сатрлар битилган:

Ипакдану жундан, канопдан газмол,
Тўқишни ихтиро этди у дарҳол.
Ип йигириб, кўйиб, ўришу арқоқ,
Матолар тўқишдан берди у сабоқ.
Бичиб-тикишни ҳам сувда ювушни,
Халқ ундан ўрганди яна кўп ишни.

Тарихга, адабиётга муҳрланган бу икки асар инсоният маънавий дунёсини хазиналаридандир. Хусусан, қушлар «Авесто»да ўзига хос маҳорат билан тараннум этилади. Ҳатто баъзи қушларнинг пати илоҳийлаштирилган, бало-қазолардан асрагувчи балогардан қилиб тасвирланган. Фирдавсий ҳазратлари ҳам ўз асарларида қушларни бекорга қаламга олмаган.

Қушлардан қай бири яхши ишга соз,
Лочину қарчиғай, бургут ёки боз.
Одамга ўрганди товуқ ҳам хўроз,
Айниқса субҳидам чақирмоғи соз...

«Зардушт Ахура Маздадан сўради.

- Эй, оламни яратган Зот!

Эй, ҳақиқат!

- Бутун вужуди илоҳий калом - мансаролар билан қуролланган қудратли илоҳ Суруш (итоаткорлик маъносида)нинг сровашаваризм (Сурушнинг маҳрами) ким?

Аҳура Мазда жавоб берди:

- Эй, Ашяван Зардушт!

У правдарш қушидир (хўроз)... Бу қуш бомдод маҳали эрта тонгдан шундай деб бонг уради:

Эй, инсонлар!

Оёққа қалқинг! Ёвузликни итқитиб ташлагувчи энг гўзал Оша (илоҳ-Ҳақиқат)ни васф айланг!»

«Авесто»да таърифланишича, хўрознинг биринчи қичқириғидан кейин оташ хонанинг хизматчилари: иккинчи қичқириғидан кейин қўшчилар: учинчисидан кейин бошқа одамлар туриши шарт қилиб қўйилган.

«Авесто»нинг гувоҳлигича, аждодларимиз ҳашаматли бинолар қурган, шаҳарсозлик бобида мислсиз ютуқларга эришган:

Ҳар кўрфазда, шоҳобалар соҳилида
Қад ростламиш гўзал бир уй.
Юз дарчали, ярқираган,
Минг устунли кўркам ҳайкал
Қудратли уй,
Ўн минг таянч нуқталарга
Тикланган уй.

Мазкур сатрларда ўтмишдошларимизнинг юксак салоҳияти, бунёдкорлиги бўй кўрсатаяпти. Ушбу ҳаётий жараён Фирдавсий ҳазратларининг ижодида шундай шарафланган.

Нопок девларга ҳам иш топди ҳумой,
Сувга тупроқ қориб, тепиб қилсин лой.
Сўнг лойни қолипга урмоқ бўлсин иш,
Қуритиб, тахласин бир текисда ғиш.
Девлар тошу ганчдан қуришар девор,
Жаҳон ҳандасани билмоқда илк бор.
Ҳаммом, уй, саройлар бўлади бунёд,
Халқи паноҳ топар, шаҳарлар обод.

«Авесто» ва «Шоҳнома»нинг бундай ҳамоҳанглигида қандайдир муштараклик бор. Бу буюк Фирдавсий ўз асарини яратишда нодир қўлёзмадан таъсирланганлигини тасдиқлайди.

«Авесто»да болта, қилич, қалқон, найза, пичоқ, ханжар, шамшир, тўқмоқ, гурзи, ўқ-ёй, жанг араваси ва бошқалар ҳақида ҳам кенг маълумот берилган.

Ва дид билан безатилган
Тилла шамшир тутгандир у...

ёки, -

Юз дамли болтаси бордир илкида,
Мустаҳкам тутгандир юз зарбли ёвқир,

каби таърифлар анчагина. Фирдавсий ижодида, шунингдек, қурол-яроқ мароқ билан таърифланган:

Каёний оловда юмшатиб темир,
Зириҳ, қалқон, қалпоқ ясарди бир-бир.
Сарбозлар, отларга совут ясарди,
Ҳунари кундан-кун ривожланарди.

Бундай мисоллар «Шоҳнома»да кўп учрайди. Чунки тўрт минг йиллик тарихни сарҳисоб қилган мажмуада шундай бўлиши табиий.

Табобат ва табиблик илмига «Авесто»да катта ўрин берилади. «Агар, - дейилган китобда, - у (табибликка даъвогар - М.У) девпарастларни жарроҳлик тиғи билан уч карра даволаб унга шифо бахш этса, табиблик қилишга лаёқатли топилади». «Авесто»нинг гувоҳлигича, табибликка даъвогар олдида ниҳоятда оғир синовлар, машаққатли тажрибалар турган, ҳатто даволаш жараёнида хатоликка йўл қўйиб, беморнинг ўлимига сабабчи бўлса, бу ҳолат кечирилмаган, балки муносиб, адолатли жазо берилган.

Бу жараён «Шоҳнома»да қуйидагича тасвирланади:

Табиблик очилди, касалга даво,
Ҳар иллатга чора, ҳар дардга шифо.
Табиблик сири ҳам айлади ошкор,
Унингдек синчков йўқ жаҳонда бирор.

Бадиий бўёқларда тасвирланган ушбу мисраларда ҳам «Авесто»нинг руҳи акс этиб турибди.

Инсоният пайдо бўлгандан бери эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш боради. Бу ҳол «Авесто»да ҳам ўз аксини топган. Эзгулик Илоҳи Аҳура-Мазда (Донишмандлик худоси - Олий Илоҳ) ва ёвуз кучлар - Аҳриман (Ёвуз руҳ) доимо бир-бири билан низода. Улар ўртасидаги муносабат «Авесто»нинг бош мавзуси. Бу ҳолат «Шоҳнома»да қуйидагича таърифланади.

Дунёда йўқ эди унинг душмани,
Аммо пинҳон эди дев - Аҳримани.
Аҳриман дилида поёнсиз ҳасад,
Ёмонликка аста кўтарарди қад.

Ҳа, мазкур жараён ҳар иккала мажмуанинг бош мавзуси бўлиб, унинг замирида инсон ҳаёти ётади. Яшаш учун кураш ниҳоятда машаққатли кечиб, унинг аччиқ-чучуклари-ю, изғирину жазирамалари бўлади. Шафқатсиз курашда одамзот тобланиб ҳаётий тажриба тўплайди, яхши яшашга интилиб, турмушга сайқал беради. Мана шу ҳолнинг ўзи ҳам ақл-идрок билан иш тутишликни тақозо этади. Бинобарин, комил инсонлар томонидан яратган йўриқномалар ҳаётни теран англашга қўлланма вазифасини ўтайди.

«Шоҳнома»да бу ҳақда шундай дейилади. -

Панжа урди девга мисли шер Хушанг,
Қаро девга шул он жаҳон бўлди танг.

Дарҳақиқат, ёвузликдан эзгулик устун келгандагина инсон бахтиёр, бекаму кўст яшайди, фаолият кўрсатади. «Авесто» билан «Шоҳнома»нинг ўзаро уйғунлиги ҳақида бироз фикр юритдик. Ақл ақлдан қувват олади, деганларидек, икки маънавий хазина бир-бирини тўлдириб, ажиб гулдастага айланган.

Мусоқул УСМОНОВ,
профессор.

Касаба уюшма спорти

Спортчиларимиз нафақат қитъа миқёсидаги мусобақаларда, балки жаҳон майдонларида ҳам зафар қучмоқда. Айниқса, миллий кураш, бокс, самбо, дзюдо, шахмат каби турларда улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бу муваффақиятларда касаба уюшма спорти вакилларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Буни Сурхондарё мисолида ҳам кўриш мумкин.

СУРХОННИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви тизимидаги иншоотларда айни пайтда 31228 нафар киши шуғулланмоқда. Қувонарлиси, улардан 21861 нафарини қишлоқ аҳолиси ташкил этади. Спорт секцияларига эса 11524 нафар киши жалб этилган. 34 та стадион, 2 та тир, 2 бассейн, 22 та спорт зали ва 414 та катта-кичик майдончалар улар ихтиёрида.

- Бундан ташқари, тизимимизда махсус тиббий ҳамда соғломлаштириш гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатмоқда, - дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари, хизмат кўрсатган мураббий Рўзи Ўтаев. - Уларда 20 мингга яқин киши жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ўз соғликларини мустаҳкамламоқда.

«Алпомиш» ўйингоҳи базасида жойлашган Самбо спорт мактабидамиз. Барча шарт-шароитлар яратилган залда мактабнинг ўрта тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари мураббий Б.Ўтаев раҳбарлигида машғулот ўтказишмоқда. 12-14 ёшли болакайлар ҳар бир усулни чин дилдан бажаришга интилишаётганига гувоҳ бўлдик.

- Салкам 4 йилдан буён машғулотларга қатнайман, - дейди ёш самбочи Нургали Пириев. - Вилоят миқёсидаги бир неча мусобақаларда ғалаба қозондим. Жаҳон чемпионатларида Ватанимиз байроғини юксак кўтариш эзгу ниятим.

Ниятинг йўлдошинг бўлсин, дея тилак билдириб, уларнинг келажакда юртимиз шарафига шараф қўшажакларига дилдан ишондик. Зеро, бугун бу масканда Б.Маҳмудов, Н.Пириев, О.Туронов, А.Маҳмудов, Ч.Норбеков каби келажаги порлоқ, умидли ёш спортчилар камол топмоқда.

Ўзбек футболига акаука Бозоровлар ҳамда Дўрмоновлардек истеъдодларни етказиб берган Футбол мактабида ҳам бугун анъаналар изчил давом эттирилмоқда. Бинобарин, 6 гуруҳда тарбияланаётган 221 нафар ёшлардан аксари ҳар йили олий лига вакили - «Сурхон» клубига қабул қилинмоқда. «Алпомиш» ўйингоҳида машғулотлар олиб бораётган тарбияланувчилар футбол формалари, тўп ва бошқа жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Улар ёзнинг жазирама кунларида сўлим болалар оромгоҳларида дам олдирилмоқда.

Айтганча, жамият бошқаруви тасарруфида Олимпиа заҳиралари махсус спорт мактаби, Футбол мактаби, Енгил атлетика спорт мактаби ҳамда 7 та туман БЎСМ мавжуд бўлиб, уларда 1 минг 533 нафар ўсмирёшлар спортнинг 13 тури бўйича ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Ҳа, вилоят касаба уюшма спортида қўлга киритилаётган ютуқлар чиндан-да ҳавас қилса арзигулик. Бинобарин, поёнига етаётган йилнинг ўтган даври мобайнида тизимда бир нафар хизмат кўрсатган спорт устаси, 2 нафар халқаро тоифадаги ва 5 нафар спорт усталари, 45 нафар спорт усталигига номзод, 41 нафар биринчи разрядли спортчи тайёрланди. Улардан бир нафари жаҳон чемпиони, 2 нафари жаҳон биринчилиги бронза медали совриндори, 3 нафари қитъа ҳамда 13 таси мамлакат чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлишди. Муваффақиятлар замирида эса спортга бўлган меҳр, фидойилик, изланувчанлик ва катта заҳмат ётибди, албатта.

Р.ДАВЛАТОВ,
К.ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч»
мухбирлари.





КОМПАНИЯ ҲИММАТИ

Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олаётган талаба ёшларнинг аксарияти узоқ вилоятлардан келган толиби илмлардир. Уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида олий ўқув юрти раҳбарияти қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Талабалар эндиликда тушлик овқат билан бепул таъминланмоқдалар. Бундай хайрли ишга «Ўзбектелеком» ҳиссадорлик компанияси бош қўшди.

Компания саъй-ҳаракати билан шу мақсад учун 40 миллион сўм пул ажратилди. Бу маблағ бутун ўқув йили давомида озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун сарфланади.

Бундай олижаноб тадбирни компаниянинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни жорий этишга қўшган ҳиссаси, деб баҳоламоқ керак.

МУКОФОТ СОВРИНДОРЛАРИ

Ўзбекистон-Япония ҳамкорлик алоқалари таълим соҳасида ҳам ўз ижобий натижаларини бермоқда. Шу ўринда Японияниг Сумитамо корпорацияси саъй-ҳаракатларини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Мазкур йирик корпорация томонидан таъсис этилган мукофот иқтидорли толиби илмларга бериб келинмоқда. Бундай имтиёздан Осиёдаги 20 га яқин мамлакатнинг 35 та университети талабалари баҳраманд бўлди. Ўзбекистон Миллий университетининг бир гуруҳ аълочи талабаси ҳам яқинда корпорация мукофоти билан тақдирланди.

Шу муносабат билан олий ўқув юртига корпорация вакиллари ташриф буюриб, талабалар билан қизғин суҳбат ўтказдилар. Шу учрашув чоғида 134 минг сўм пул ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

ТИББИЁТ КИМЁСИ

XVI асрдаёқ немис шифокори Филипп Парацельс турли касалликларнинг пайдо бўлишига киши организмида баъзи кимёвий моддаларнинг етишмаслиги сабаб бўлиб, даволаш пайтида дори сифатида албатта шу моддалардан фойдаланиш кераклигини айтган эди. Бундан қарийб икки аср муқаддам афюн таркибидан оқ кристалл кукун ажратиб олинган. Бу модда дастлаб итларда синаб кўрилганда, унинг ҳайвонни қаттиқ ухлатиб, анча-мунча оғриқни ҳам сезмайдиган қилиб қўйиш хусусияти аниқланди. Морфин деб аталабошланган ана шу моддани врачлар оғриқни қолдирадиган восита тариқасида қўллайдиган бўлишди.

1800 йилда инглиз тадқиқотчиси Хэмфри Дэви «Қулдирувчи газ» деб юритиладиган азот оксидининг оғриқни қолдирувчанлик хосиятини топди. Лекин бу газ орадан 44 йил ўтгандагина наркоз сифатида ишлатила бошлади. Ўша тиш врачи Горасий Уэлз қулдирадиган газ таъсирини ўзида синаб кўрди. Унинг тиши оғриб, безовта қиларди. Тишини олдираётган Уэлз сира оғриқ сезмади.

Америкалик врач Томас Мортон эса 1846 йили Бостон шаҳар касалхонасида хавфли ўсмани кесиб ташлаш операциясида эфир наркозининг таъсир кучини намойиш қилганди. Ҳатто бир куни эфир буғуни искаб, Томаснинг ўзи ҳам донг қотиб ухлаб қолди.

Инсон саломатлиги учун курашда катта аҳамиятга эга бўлаётган тиббиёт кимёси фани шундай дунёга келди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ҲАМКОРЛИК ЕТИШМАГАН ЖОЙДА

Мустақиллик боис, иқтисодиётимиз салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшадиган ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий ва маиший бинолар қурилиб ишга туширилмоқда. Шу билан бир қаторда хорижий сармояларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этадиган қўшма корхоналар сони ҳам ортиб бормоқда.

Барча тармоқлар қаторида ана шу жойларда ҳам хавфсизликни таъминлаш — ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки бу қурилишларда чет эл мутахассислари томонидан республикамиздаги мавжуд меъёрий қоидаларни тўла тушуниб етмаган ҳолда лойиҳалаштириш ҳолатлари учраб турибди. Жорий йилда республикамиз ҳудудида кўплаб қўшма корхоналар қурилиши амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг 15 ноябридан 15 декабригача Республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши масъулиятни янада оширишга дастуриламал бўлди ва шундан келиб чиқиб зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишимизга имкон берди.

Андижонда Туркия билан ҳамкорлик асосида «Асаим-Текстиль» тўқимачилик комбинати, Англиянинг «Леинг», Японияниг «Марубени» ва Туркиянинг «Аларпо» фирмаларидан ташкил топган Лам консорциуми томонидан Бухоро шаҳрида тайёрагоҳ, Самарқанд вилоятида «СамДжинтекс» қўшма корхонаси, Тошкент шаҳрида «ДЭУ электроникс» супермаркети каби янги қурилишларда ёнғин келиб чиқиши эҳтимоли бўлган хавфларнинг олди олинди.

Лекин шунга қарамай бу борада ҳамон муаммолар мавжуд. Масалан, Андижондаги «Асаим — Текстиль» қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш цехларида ҳаво алмаштириш ва автомат ўт ўчириш қурилмаларидаги камчиликлар бир неча бор кўрсатиб ўтилганига қарамай, нуқсонлар тегишли мутасаддилар томонидан бартараф этилмаяпти. Ёки Самарқанд шаҳридаги «Вел-Сам-Гилам» қўшма корхонасида ишлаб чиқариш цехи ёнғинни ўчириш, омборхона ва маъмурий бинолар эса ёнғиндан дарак берувчи автоматик мосламалар билан ҳанузгача жиҳозланмаган. Фарғона шаҳридаги «Шонали текстиль ЛТД» фабрикасининг ишлаб чиқариш цехлари ҳам ҳеч бир сабабсиз ёнғинни автоматик равишда ўчириш мосламалари билан таъминланмаяпти. Шунингдек, ёнғинга қарши сув қувурларини ўрнатиш ишлари охирига етказилмаган. Шунга ўхшаш камчиликлар бошқа қўшма корхоналар қурилишида ҳам аниқланаётган бўлса-да, уларни бартараф этиш ишлари суст бормоқда.

Олов — ёв, деган гап бор халқимизда. Ёнғиннинг келиб чиқишидан кўра, унинг олдини олиш минг карра афзал. Шундай бўлгач, бу масъулиятли ишга барча сидқидилдан ва ҳамкорликда ёндошсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Унинг намунали ўтиши эса сизу бизга боғлиқ.

Икром ҚУРБОНОВ,
ИИВ ЁСБ Меъёр амалиётчи бўлими муҳандиси.

ИТГА ҲАЙКАЛ

Инглиз Жон Грей билан Боб лақабли ит ажралмас дўст эдилар. Улар бирга сайр қилишар, бир вақтда овқатланишар, бир уйда истиқомат қилишарди. Аммо кунлардан бир куни орага ўлим тушди. Дафн чоғида Боб ягона дўстини тупроққа кўмиб ташлашаётганини маъюс кузатиб турарди. Ит қабр ёнида қолди ва шундан кейин мутлақо уйига қайтмади.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди. Шу ерлик болалар Бобга егулик ва сув бериб туришди. Итнинг бундай вафодорлигидан ниҳоятда таъсирланган эдинбургликбойваччалардан бири Боб учун махсус медал зарб эттирди.

Эгасига вафодор ит ўн тўрт йил давомида — жазирама иссиқда ҳам, қаҳратон қишда ҳам дўстининг ёнидан жилмади.

Аёзли кунлардан бирида Бобни қабр устида музлаб қолган ҳолда топишди. Уни шу ерга, ўз эгаси ёнига кўмишди.

Орадан 120 йил ўтгандан кейин Эдинбург аҳолиси жониворнинг вафодорлиги учун унга ҳайкал ўрнатди.

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани 36-ўрта мактаб томонидан Раҳматулла Токтиев номига берилган А 025267 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Эминжон Қодиров номли 157-ўрта мактаб томонидан Азимов Музаффар Шоназарович номига берилган А. N137068 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Федерация Кенгаши раисининг собиқ биринчи ўринбосари **Тўлқин СОБИТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади

Республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси шу қўмитанинг собиқ раиси **Тўлқин СОБИТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради

"Ишонч" газетаси жамоаси рўзноманинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари **Болтабой ЮСУПОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.05

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6